

# ОИЛА

*Ҳикоялар*

«ТАФАККУР» нашриёти  
ТОШКЕНТ – 2012

Фарзандларнинг ота-она изидан боришга ҳаракат қилишгани яхши, албатта. Айниқса, бундай интилиш ижодкорлар оиласида кузатилса нур устига нур. Ушбу тўплам мана шундай бир оилага жам бўлган ижодкорларнинг ҳикояларидан ташкил топди.

**Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ**

## **ТУШОВ**

Бакироқ отарчилари “куёшли маъво” деб куйлайдиган Ўзбековул улкан чўлнинг қоқ киндигига жойлашган. Овул каттагина, ўнта узундан-узун, илонизи кўчасию икки юзга яқин хонадони бор; ҳар хонадонда камида ўн жон яшайди.

Ўзбековулликларнинг асли келиб чиқиши кўчманчи қабилалардан. Қачонлардир оғизларидан кўпиклар сачраган маст нортуяларда, учқур арабий дулдулларда саҳрони дир титратиб мағрибу машрикка чопган, олис-олислардаги қалъа-кентларгача даҳшатга солган жанговар улуснинг авлодлари яқин тўққиз-ўн мучал айландики, ўтроқ ҳаёт кечирिशга ўтган; энди у суронли кечмиш замонлардан узук-юлук афсоналару ривоятлар қолган, холос.

Раият асосан деҳқончилик билан машғул, “фаоллар” тантанавор тарзда “оқ олтин” деб атайдиган пахта етиштиради; овул қарамоғидаги ўтлоқлар кўриқ ер сифатида чорак аср буруноқ ўзлаштирилиб юборилгани учунми, даҳмазаси мўл чорва йўқ ҳисобида.

Заъфарон саҳро бағрини кумуш тасмадай тилиб ўтган икки жилганинг суви овулга кираверишдаги қўш омборга тўпланади-да, ёз бўйи далаларга окизилади; гоҳ-гоҳ, серёгин келган эрта кўклам чоғлари, бир-икки кулоч сув овулнинг ғарбий сарҳадида жойлашган, йилдан-йилга сатҳи пасайиб, қуриб бораётган ҳовузга етиб қолади.

...Сўлим сунбуланинг сокин оқшоми. Кўкда чимилдикдан чиқиб келган иболи келинчакнинг тиллақошидай яраклаётган

хилол сут ранг ёғду сепар, елка билан битта бўлиб ёйилган куюқ сочларга сепилган тилла гардидай юлдузлар жимирлар, тупрок йўлдан кўпчиган сийрак чанг бетартиб курилган пастак кулбалар, хашак ва ғўзапоя ғарамларию бир ёнбошига оғиб қолган симёғочлар узра ҳарир рўмол янглиғ оҳиста чайқалиб турарди.

Сукунатни керза этикларнинг ерга дўпиллаб урилаётгани ва кимнингдир “ўҳ-хў, ўҳ-хў”лаб йўталаётгани бузди. Даладан қайтаётган уч киши овулга кириб келмоқдайди. Булар: елкасига залворли кетмон ташлаб олган, шунданми, эгик қадди янада букчайиб, “дол” аломати касб этган Бобо; кетмондан ташқари қоп-қорайиб кетган кумғон, бир ўрам аркон, чойнак-пиёлалар тугилган қийиқча кўтарган Ота ва ниҳоят энг орқада келаётгани, юки энг енгили – тушликдан ортган нонни белига тугиб олган Невара. Йўталаётган Бобо эди.

Бир пайт Невара отасининг енгидан тортиб тўхтатди-да, қаттиқ шивирлади:

- Қаранг, анави ерда биров ётибди.
- Қани? – хушламайгина сўради Ота.
- Ана.

Невара ўттиз-қирқ кадамча олдда, аллақайси замонлардан бери омон турган баҳайбат якка чинор тагида оқариб кўзга элас-элас чалинаётган гавдага ишора қилди.

- Айланиб ўтиш керак, – тўнғиллади Ота.

Бирок бурни ерга теккудай бўлиб кетаётган Бобо бу орада чинорга яқинлашиб қолгани учун Ота ноилож йўлида давом этди. Бобонинг бош кўтармасдан ўтиб бораётганини, Отанинг ҳам шунга чоғланаётганини сезган Невара чопиб дарахт ёнига бордию, қичкириб юборди:

- Ота, Аёл экан!

Сукунатни тилиб ўтган ўткир овоздан чўчиб кетган Бобо бошини кўтариб, қаддини сал ростлаган бўлди-да, ортига ўгирилди. Ота норози тарзда неларнидир ғудрана-ғудрана чинор томон юрди.

Чиндан ҳам... бир Аёл, оқ, оппок, узун ҳарир либосию тим

қаро ипак сочларига чулғанганча ер билан битта бўлиб ётар-ди. Аёл... гўзал эди. Сутдай ойдин оқшом унинг мрамар каби оппоқ, силлик юзини, ўнг ёноғидаги мошдай қора холини, ним очилган ғунчадай ол лабларини, иягидаги тугмачадек-кина чуқурчасини, парвозга шайланган қалдирғоч қанотидай қошларини, сафга тизилган мағлуб черикнинг найзалари-дай қуюқ киприкларини, оққушниги мисол бўйнини, мута-носиб нозик елкаларию сийналарини, не бир ажиб шаклда ҳаракатсиз қотган ингичка, узун-узун бармоқларини алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқдайдики, баайни ҳозиргина мусаввир Бехзод ёинки Чингиз Аҳмар мўйқаламидан бунёд бўлган Шарқ гўзали ҳали фароғатли хобгоҳида ором олаётгандай.

– Ажина бу, ажина, – дея олди ниҳоят не фурсат ўтиб Бобо.

“Қул” этиб ютиниб олган Ота қурукшаб кетган лаблари-ни яларкан, бўғиқ овозда деди:

– Кеча аэродромда лётчикларнинг олдида беш-олтитаси юриб эди. Ўшалардан бирови чиқар... Яхшиси, кетавергани-миз маъқул-ов...

– Тўғри, тўғри, – унинг фикрини дарров маъқуллади Бобо. – Кетиш керак, оч қорним – тинч қулоғим. Хотин зоти аралашган жойга фалокат доримасдан қолмайди...

Дағ-дағ қалтираётган Невара тиз чўкиб, хаяжон оғушида эҳтиёткорона эгилганча Аёлнинг кўкрагига қулоғини тек-кизди.

– Юраги урапти... жуда суст...

Шунда... Аёлнинг дудоклари хиёл кимирагандек бўлди ва заиф ингроқ аралаш “Сув...” деган сас эшитилди.

Ота лўкиллаб яқин орадаги ариқ томон чопди, лекин бу-гун дори сепилгани ёдига тушиб қолиб, ярим йўлдан ортига қайтди. Чойнакни сириқтира-сириқтира олишган беш-олти томчи сариқ сувни амаллаб ичиришган эди, Аёл кўзларини очдию, бемадор қўлларини базўр кўтариб либосининг ёқасини тутамларкан, ўрнидан туришга урина бошлади.

Қизик устида билинмаган экан, энди, Аёл ўзига кела бошлагач, Ота билан Бобо худди айб иш қилиб қўйишгандай

оркароққа чекинишиб, хижолатга тушганларича кир, мойга ботган қўлларини қайгадир яширишга урина бошлашди. Фақат Неварагина жон ҳалпида Аёлга қўмаклашишда давом этарди.

Ишқилиб, туришга мадори етмаса ҳам, амаллаб қаддини ростлаган Аёл чуқур хўрсиниб чинорнинг ғадир-будир танасига суяниб ўтирди. Шоша-пиша пахталик чопонини ечаётган Ота қандайдир мулоҳазаларга борди шекилли, дув қизарганча қайтадан кийиниб олди.

Андак фурсат жимликда ўтди. Чироқ пирпирагандай кўзларини бир неча бор юмиб-очиб Аёлнинг нигоҳи равшанлашди, нафас олиши равонлашди.

– Раҳмат сизларга, азизлар...

Ота, салқин эпкин эсиб ўтгандай, қалтираб кетди; ҳали анча заифлигига қарамай, чинни пиёланинг нафис жарангига ҳамоҳанг товуш Унут Сокинлик хобгоҳида мудраётган хотиротига сузиб кирди-ю, ҳар нечук, қачонлардир бир замонлар насиб бўлган бир-икки илоҳий лаҳзаларнинг тотли сафосини ёдига тушириб, томоғини ғиппа бўғди-қўйди...

Бобони яна йўтал тутди.

Аёлга беадад ҳайрат ила тўймай тикилаётган Невара пичирлади:

– Кимсиз Сиз?

Аёл маъюс жилмайди:

– Мен Аёлман.

Бобо чўнтагидан ғижим дастрўмолини олиб манглайини артди:

– Дўхтир-пўхтир чакирайлик эса.

Аёл бош чайқади.

– Бошқа ёрдам-пордам керак эмасми?

Аёл яна бош чайқади.

– Ундай бўлса... биз борайлик. Чарчаганмиз, бориб озрок дам-пам олайлик.

– Мен биламан, – деб қолди тўсатдан Невара дудукланиб, оқариб-бўзариб, – Сизни кўрганман, ё телевизорда, ё балетда, ё... ё бўлмаса тушимда...

Ота бир қадам олдинга чикди.

– Бирон жойга боришингиз керак бўлса... обориб қўйиш керак бўлса... айтаверинг...

Аёл яна маънос жиламайган кўйи бош чайқади.

– Ёмон хиддан бошим айланиб кулаб тушгандим. Сизлардан жуда-жуда миннатдорман, катта раҳмат.

– Биз борайлик эса... – чайналди Ота.

– Омон бўлингизлар. Яхшиликларингизни асло унутмайман.

Авалло Бобо йўлга тушди, унинг ортидан чўяндай оғирлашган оёқларини базўр судраб Ота эргашиди (улар ортидан чанг кўтарилмади, ажабки, керза этикларнинг дўкиллаши ҳам эшитилмади), Невара юришини ҳам, юрмасини ҳам билмай жойида гир айланаётган эди, худди ичида пружинаси бордай ҳеч нарсага суянмасдан енгил ҳаракат билан ўрнидан турган Аёл бир-икки оғиз жуфтлагач, охири катъият билан деди:

– Тўхтангизлар, азизлар... Сизлар... Сизлар учини истайсизларми?

– Нима?! – Ортига ўгирилган Бобо ҳафсаласи пир бўлиб қўл силтади. – Мен буни туппа-тузук жувон деб ўйласам... Эскилар билиб айтган ўзи, аёлнинг макридан кўрк, деб...

Отанинг ҳам ранги бўзариб бораётганини кўрган Аёл шошиб қўл силтади.

– Йўк, йўк, сизлар мени тушунмадингизлар, мен учини айтаяпман, учини, ичини эмас. Мана, мана, қарангизлар, мана бундай. Қарангизлар...

Ва узун, оппоқ ҳарир либосли, уйкудан турган маликадай сулув Аёл учала эркакнинг кўз ўнгида, қўлларини лоакал бир бор силкитмасдан, қандай турган бўлса шундайлигича чинор бўйи баландликка оҳиста кўтарилди-да, худди шундай оҳисталик билан жойига қайтиб тушди!

“Наузан билло!” деганча ерга “дўк” этиб ўтириб қолган Бобо кўзларини чирт юмиб олиб, тез-тез пичирлаганча неларнидир ўқий бошлади; донг қотган Отанинг оғзи очилиб

қолганди; Невара эса ўрнида ирғишлаб, шодон чапак чаларкан, бор овозда: “Учди! Учди!...” деб кичкирарди...

– Ажина бу! Ажина бу! Калима келтиринглар, болаларим, калима келтиринглар. Шунда бу ғайрижинс кўздан йўқолади. Ло илоҳа иллаллоху...

Жазавага тушиб, хиркирок овозда тавалло қилаётган мўйсафидга Аёл ялт этиб қаради:

– Бобожон, бобожон, майли, майли, мен ажина бўлай, майли, мен ғайрижинс бўлай, майли, сиз менга ишонманг, лекин сиз парвознинг оддий, жуда-жуда оддий иш эканлигига ишонинг, бобожоним, ишонинг. – Ялангоёқ Аёл тупрок йўлда заррача чанг кўтармасдан, бамисоли сузиб Бобонинг ёнига келди. – Бобожон, ўзингизни эркин қўйинг, ўзингизни озод ҳис қилинг, хавотирланманг, сира-сира хавотирланманг; асабларингизни бўш қўйинг, ўзингизни худди момик булутлардан қилинган кўрпача ичида хузур қилиб ётгандай сезинг, осмондан қаралган чоғда заминнинг нақадар гўзал бўлишини ўйланг, кўкда учиб юрган мизонларни кўз олдингизга келтиринг, ўзингизни арғамчи солиб учаётган озод қушлар сафида кўринг, шундай қўлингизни чўзиб шода-шоода юлдузлар териб олаётганингизни тасаввур қилинг, кафтингизда силаб-сийпалаётганингиз оймоманинг иссиқ тафтини туйинг; мана, мана, наҳот билмаяпсиз, ўзингиздай мўйсафид Бобо Қуёш сизни қайноқ нурлари билан ўраб-чирмаб олдида, янада баландроқ кўтара бошлади... Мана, сиз юксак-юксакларга чиқдингиз, пойингизда етти қават осмон ястаниб ётибди, лекин сиз янада юксакка кўтарилаяпсиз, Қуёш учиб бораётган оловли тўп мисоли тобора қуйида қолмоқда, сизни ўн саккиз минг оламнинг янги-янги юлдузлари, янги-янги Қуёшлари кучоқ очиб қутиб олмоқда; мана, қайси бир зангори юлдуздан қирқ малоика қуршовида сизга пешвоз чиқиб келган ўзингиздай оппоқ соқолли мўйсафид “Ассалому алайкум” демоқда тавозе билан... Учинг, бобожоним, учинг, юксалинг, кўтарилинг ахир, ҳеч бўлмаса бир неча дақиқага бу гуноҳкор заминдан. Юксалинг, бобожоним, юксалинг. Сиз енгилсиз, сиз жуда-жуда енгилсиз, сиз япроқсиз, сиз укпарсиз, мана, шаббода сизни илиқ кафтларига олиб



кўтармоқда... Мана, кўтарилдингиз, кўтарилдингиз... – Бобонинг жойида михлаб кўйилгандай “қилт” этмаётганини кўрган Аёл эсанкираб қолди. – Нималарни ўйлаясиз ўзи?

Аёл Бобога қаттиқ тикилди.

– Нимани бўларди, – ихтиёрига қарши очигига кўчди Бобо, – бир бало қилиб уйга тезроқ етиб борсам, кампир берадиган бир коса макарон шўрвага яримта нонни тўғраб, бўктириб, тўйи-иб еб олсам, – шу сўзларни айтаётганда Бобонинг кўзлари лаззатдан сузилиб кетди, – сўнгминан ётсам. Эртага қиладиган ишлар кўп...

Аёл кескин ортига ўгирилиб, яна сассиз қадамлар билан Отанинг ёнига келди.

– Отажон, истанг мени қизим деб ўйланг, истанг, Ёсуман деб. Лекин менинг ўзимга ишонмасангиз ҳам ҳеч бўлмаса сўзимга ишонинг. Ташланг кўлингиздаги қақир-кукирларни, унутинг майда, икир-чикир ташвишларни, унутинг бачкана туйғуларни; ўз овулида яшаб туриб бировга муте бўлган эркак эркак саналганми ҳеч замонда; кўкрагингизни керинг, ўзингизни озод ҳис қилинг, ҳов ўшал ёшлик йилларингиз зўр бериб интилган табаррук дақиқаларингиз етиб келди, отажоним, етиб келди! Қирқилган қанотларингиз қайтадан ўсиб чиқдилар, қайрилган қанотларингиз қайтадан тикландилар, учинг энди, отажоним, учинг! Учмоқ саодатига эришган онларингиз муборак бўлсин...

Шунда... шунда Отанинг қўлидаги лаш-лушлар тарақлаб ерга тушди, ўзи эса худди биров кўринмас ипда кўтариб туриб, сўнг ташлаб юборгандай, бир қулочча юқорига кўтарилишга кўтарилди-да, дарров жойига “гуп” этиб тушди, лекин на йиқилди, на суринди.

– Отам учди-и-и! – кичқириб юборди Невара.

– Нималарни ўйладингиз, отажон? – изтироб билан шивирлади Аёл.

Эсанкираб қолган, бир ерга, бир кўкка қараётган Ота гўлдираб жавоб қайтарди:

– Энди... бир соғин сигиримиз бор эди ўзи, шунга бугун икки боғгина ўт ўриб келай десам, дори сепилмаган жой

тополмадим. Билмадим, хотин не деб кутиб олади энди... Сўнгминан, овул-жамоатнинг олдида уяламан, кенжатоим олтига кириб сўлакмондай бола бўлган бўлсаям қўлини ҳалига довур ҳалоллаб ололганим йўқ, шунга эртага раисдан қарз сўрасамми деб туриб эдим; сўнгминан, бу ёқда каттасиям яқинда мактабни битирди, унинг бошини иккита қилиб қўйиш ташвиши бор... Бу ёқда ҳали қайноғамизнинг тўйи бўйнимизда турибди, ўзбекчилик, тузукрок тўёна обормасак уят бўлар. Сўнгминан...

Гўё ўк егандай нохос кўксини чангаллаб, чайқалиб кетган Аёл Невара томон ўгирилди-да, тиз чўкканча, қуйилиб кела бошлаган кўз ёшларини ҳам артмасдан, ҳаяжон билан ёлбора кетди:

– Болажон, уч, уч, болажон! Ҳеч нарсани ўйлама, ҳеч нарсага қайрилма, уч! Сен ҳали маъсум сабийсан-ку, сен ҳали хур гўдаксан-ку, уч, болажоним, уч! Болажоним, болажонгинам, учиб кетгин юксак-юксак самолар сари...

Ва болажон учиб кетди...

Тиз чўккан Аёл тобора юксакликка сузиб чиқаётган Неварадан кўз узмай тинмай илтижолар қилар, тинмай йиғлар, тинмай ёлборар... ва йиғи аралаш куларди...

– Учавер, болажоним, учавер! Мен билардим, мен ишонардим, мен кутгандим, ахир Инсон учиш учун яралган-ку!.. Учавер, болажоним, кўркмасдан учавер, кўкрагингни тўлдириб-тўлдириб нафас олавер. Сен озод кушсан, болажоним...

– Ҳозир кетиб қолади, қайтар болангни! – ўшқирди кўзининг пахтаси чиқиб кетган Бобо.

– Шу... ўзи хоҳламасдан туриб банди бўлиб қолдими дейман-да ... – чайналди Ота.

– Нималар деяпсан ўзи?! – ғижиниб қўл силтади Бобо. – Унутдингми, бизда бандилар йўқ, хоинлар бор, холос...

Ота “смирно” ҳолатига келди.

– Тўппа-тўғри, ҳали бепоён далаларимизда қанчадан-қанча “оқ олтин” бизнинг олтин қўлларимизни кутиб турган бўлса-ю...



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1151> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1151> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/1151>